

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

БЎЛГУСИ ДЕСАНТЧИ ПОЛКОВНИК

Ўғлимиз ҳам ҳарбий бўламан деб аҳд қилдим, омадини берсин. Назаримда, шундагина у ўз соҳасининг ҳақиқий билимдори бўлиб етишади.

3 бет

ИНСОН ҲИМОЯНИНГ БОШ СУБЪЕКТИДИР

Энди ҳамма гап амнистия акти қўлланган маҳбуслар тавба кўнглини губордан тозалашини аниқлаб, бундан тегишли ҳуқуқни чиқариб оқишларида.

4 бет

КИМ КЕЙИН, КИМ ИЛГАРИ

Самимий илтифотдан кўнган тоғдек кўтарилади. Ҳаргўул бошлик бошлик-да. Салобатиданми, хаяжонданми вужудини алаатовур сувга чўлгади.

9 бет

ҚОН ЙИҒЛАТГАН МУҲАББАТ

Бу тонг шундай тонг бўлдики, сирли тонг. Шу тонг сабаб ким рози, кимлар норози тўй ҳам бўлиб ўтди. Аmmo бу ҳақиқий ишқимиди?

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

ҲИҚИҚ

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

2007-yil 11-yanvar, № 02 (523)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Куролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, мукаддас заминимизда тинчлик ва оқойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.
Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамيشа юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.

Ислом КАРИМОВ



Ватанимга хизмат қиламан!..

Ўзбекистон ёвқурларимиз

Ўзбекистон дея айтаюр
Биз тўғрилиб ўсган еримииз.
Дўстла дўст-ч, ёвга қаҳри зўр
Ўзбекистон ёвқурларимииз.

Ашр Тешир, Жалалиддиннинг
Тўғри доим мадаққоримииз.
Куч қудрати бўронларга тенг
Ўзбекистон ёвқурларимииз.

Юртини асраш биз учун шараф,
Ўзбекистон — намуз, оғимииз.
Қаҳ қандай ёв,
тўғри енгар
Ўзбекистон ёвқурларимииз.

Керак бўлса шу Ватан учун
Жон беринга тайёр даримииз.
Ахри қатъий,
айтган сўзи чин
Ўзбекистон ёвқурларимииз.

Раҳматулла МЕНГИРОВ,
ўқитувчи

— **Шухрат ака, Ўзбекистон Куролли кучлари ташкил топган кун арафасида турибмиз. Утган даврда армиямизда бўлган ўзгаришлар ҳақида фикрингиз қандай?**
— Ҳақиқатан ҳам санокли кунлардан кейин мамлакатимиз Куролли кучлари ташкил этилганлигига 15 йил тўлади. 1992 йил 14 январ куни Ўзбекистон парламенти собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутиши натижасида вужудга

талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Куролли кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир», — деб таъкидлаган эди юртбошимиз Ислом Каримов.

Куролли кучларининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлади.
Бу Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини, миллий хавфсизлигини ишончли таъминлаш йўлидаги ягона давлат сиёсатини ўзида жамланган ҳужжатлар ҳисобланади.
Мамлакат парламентининг 14-

қизиқишни янада оширди.
Бугунги кунда замонавий жанговар техникага ва юксак маҳоратга эга бўлган, асоси шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ходимлардан иборат профессионал армия ташкил этилиб десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Шухрат УЗАКОВ билан суҳбат

Шараф ва бурч

ланган.
Президентимизнинг 1999 йил 30 мартдаги фармонида кўра, собиқ Куролли кучлар прокуратураси негизда Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси ташкил этилиб, унинг тузилишасига ўзгартришлар киритилди. Аввалги гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнига вилоятлардаги худудий ҳарбий прокуратуралар ҳамда 5 та янги округ ҳарбий про-

ВАТАН ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ КЎЛЛАРДА

келган бир шaroитда юртимизда жойлашган ҳарбий қисм ва қўшилмалар, ўқув юртлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларни республиканинг ҳуқуқий тасаруфига олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу кунни ўзбек армиясининг тамал тоши қўйилди. Бу билан давлатимиз ҳарбий сиёсати концепциясини, Куролли кучлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди.
«Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг оқсуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун

1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонун билан 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.
Ўзбекистон Олий кенгаши 1992 йил 3 июлда Куролли кучларнинг вазифаларини, ташкил этилиши ва тузилишини белгилайдиган «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқobil хизмат ҳақида»ги қонунларни қабул қилди. Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабр куни қабул қилинган конституцияси ва 2002 йил 12 декабр куни қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонун мамлакат

сессиясида республикаимиз президенти И.Каримов армияни босқичма-босқич ислоҳ қилиш масалаларига оид йўналишларни кўрсатиб берган эди. Куролли кучлар сафида хизмат ўтаётган ҳарбийларни ижтимоий муҳофазалаш, рағбатлантириб бориш нафақат қисм кўмондонликлари, балки ҳуқумат миқёсида амалга оширилиши соҳадаги ислохотлар яхши натижа бераётганини кўрсатмоқда. Утган давр мобайнида ҳуқуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар бериш ҳақида бир неча қарорлар қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга бўлган

Ўзбекистон Куролли кучларининг жанговар шайлиги 2006 йили мамлакатимиздаги полигонларда Ўзбекистон-Россия мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳамкорлида ўтказган машғулотларида юқори баҳоланди.
— **Утган даврда Куролли кучларда қонунийликни таъминлаш зирасида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан қандай ишлар қилинди?**
— Дарҳақиқат, Куролли кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари зиммасига катта масъулият юқ-

қуратуралари ташкил қилинди. Ушбу фармон асосида Бош прокурор томонидан «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги низоом тасдиқланиб, ҳарбий прокуратура ходимларининг фаолияти такомиллаштирилди.
Ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Бош прокуратурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли унинг фаолияти Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон ҳарбий прокурори ва унга бўйсунувчи жойлардаги ҳарбий прокурорлар орқали конституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади.
(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ақборот».

водий усталари».
12.40 «Бир асар тарихи».
13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.

16 YANVAR

Seshanba

Профилактика муносабати билан.
«Yoshlar» телеканални ўз курсатувларини соат 15.55 дан бошлайди.

15.55 Дастур очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.

20.45 Наво-SMS.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 Салом, Тошкент!
8.30, 10.00, 10.45, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».

-қисм/рус/.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Премьера».
22.50 Кино: «Мадмуазел мушкетёр».

SPORT

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус.)
8.20, 18.00 «Болалар спорти».

7

5.10 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30
Новости
9.05 «Малахов плюс».

10.00, 11.50 Сериал «Вызов»
11.00 ВЕСТИ.
11.30, 14.20, 16.40, 20.45 Вести-Москва.

2»
14.35 Сериал «ЖИЗНЬ — ПОЛЕ
ДЛЯ ОХОТЫ».

TNT

5.45, 19.30, 0.50 Москва: инструкция по применению.
6.10 «Любовь и тайны Сансет Бич».

8.00 Победоносный голос.
8.30 Российские мультфильмы.
8.45 Х.ф. «ЖАХДА».

Россия, 2001.
20.30 Кинономия.
21.00 Х.ф. «РУНИЧЕСКИЙ КАМЕНЬ».

DTV

8.30, 16.30, 16.45, 17.00 Мультфильмы.
10.00, 21.55 Самое смешное видео.

23.30 «Осторожно, афера!»
0.00 Сериал «С.С.I. Место преступления Лас-Вегас».



На СТС до 16.00 профилактические работы.
16.00, 16.30, 17.00, 17.30, 18.00 Мультфильмы.

РОССИЯ

5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45 Премьера «Марек Хальтер. Сын Библии и Александра Дюма».

НТВ

6.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.05 «НАШЕ ВСЕ!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ».

7.00 «Глобальные новости»
7.05 «Николодеон на ТНТ: «Ракетная мошь».

ТВ 000

8.00 Победоносный голос.
8.30 Российские мультфильмы.
8.45 Х.ф. «ЖАХДА».

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ақборот».

16.05 «Ернинг муносиб зағасини топиш - долзарб масала».
16.30 1. «Цирк, цирк, цирк».

17 YANVAR

Chorshanba

9.30 Эрижа.
9.45 Полалон.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 20.00 Давр.

20.35 Наво-SMS.
21.00 Эълонлар.
22.45 «Саломея». Сериал.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 Салом, Тошкент!
8.30, 9.50, 10.45, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».

-қисм/рус/.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Премьера».

SPORT

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус.)
8.20, 18.00 «Болалар спорти».

7

5.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30
Новости
9.05 «Малахов плюс».

РОССИЯ

5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45 «Во всем прощу винить Билла».

Уважаемые телезрители! В связи с профилактическими работами, вещание телеканала начнется в 12.00. (МСК) приносит извинения за причиненные неудобства.

НТВ

12.00 «ДВЕ ПРАВДЫ». Ток-шоу.
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ».

18.00, 18.30 «Счастливы вместе». Комедия
19.00 Такси.

ТВ 000

8.00 Победоносный голос.
8.30 Российские мультфильмы.
8.45 Х.ф. «РОМАНТИЧЕСКАЯ КОМЕДИЯ».

23.00 Х.ф. «СЕКРЕТЫ ПЕНТАГОНА». США, 2003.
1.00, 4.00 Сериал «КЛИЕНТ ВСЕГДА МЕРТВ».

DTV

12.00 Х.ф. «Удар с воздуха».
14.00, 21.00 Сериал «Секретный агент Макгайвер».

3.55 Ночной клуб.
4.55 Сериал «Рожденный ворами».



8.00, 8.45, 8.55, 9.00, 15.30, 16.00, 16.30, 17.00, 17.30, 18.00 Мультфильмы.

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

18.25 «Сиз кутган урашув». 19.10 «Сизнинг адвокатингиз»...

5.55 Дастир очилиши. 6.00 Янги тонг. 8.00 «Севиганлар»...

20 JANVAR Shanba

12.00 Янги кун. 13.15 Ватанам! 13.20 Дунё тасмалари...

22.45 «Анонс». 8.35, 18.45 «Гадалупе». Телесериал...

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 «Афиша». 18.30, 21.30 «Пойтахт»...

SPORT

7.30, 21.30 «Хабарлар». 7.50 «Шоалин сирли кучлари»...



6.00, 10.00, 12.00, 18.00, Но-вости. 6.10 «Гении и злодеи»...

8.20 «Военная программа». 8.45 «Утренняя почта». 9.20 «Субботник»...

11.55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС». 13.25 «ОСОБО ОПАСЕН»...

15.00 «Няня спешит на помощь». Семейная программа. 16.00 «Клуб бывших жен»...

17.40 Еврофутбол. Англия премьер лига. «Ливерпуль» — «Челси»...

РОССИЯ

6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ...

5.30 Боевик «ШПИОНСКИЕ ИГРЫ». 7.00 Мультфильм «ЗАРЯДКА ДЛЯ ЗВОСТА»...

7.00, 8.30 «Незнайка учится». Мультфильм. 7.25 «Любовь и тайны Сансет Бич»...

8.00 Мультфильм. 11.00 Х.ф. «МАЛЕНЬКИЙ БЕГЛЕЦ»...

8.00 Х.ф. «Из мира в мир». 9.25, 9.55, 10.20, 10.30 Мультфильмы...

UZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

17.45 «Калпок». Хаживий курсатув. 18.20 «Отлар сузи»...

6.55 Дастир очилиши. 7.00 «Севиганлар»...

21 JANVAR Yakshanba

15.50 Чемпион сирлари. 16.10 Ешлик наволари. 16.30 «Киш сонатиси»...

9.20, 13.55, 16.45 «Телекуррьер - маркет». 9.45 «ИИВ хабарлари»...

SPORT

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Увнок стартлар». 8.30 «Хабарлар»...



6.00, 10.00, 12.00 Новости. 6.20 Х.ф. «Любимая женщина механика Гаврилова»...

8.10, 11.10 Вести-Москва. 8.20 «Сельский час»...

6.00 Х.ф. «РАСПЛАТА» (США). 7.40 Мультфильм «МАУГЛИ»...

9.15 «ИХ НРАВЫ!». 10.20 «ЕДИМ ДОМА!». 10.55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»...

7.00, 8.30 Мультфильмы. 7.25 «Любовь и тайны Сансет Бич»...

11.00, 2.15 «Гуд бай, Ленин!» Трагикомедия. 13.30, 19.30 «Женская лига»...

8.00, 9.00 Российские мультфильмы. 8.30 Жизнь, полная радости. 11.30 9.00 Х.ф. «БЕНДЖИ-ОХОТНИК»...

2.00 Шоу рекордов Гинесса. 3.00 Сериал «Следствие ведет Да Винчи»...

8.00 Х.ф. «Алиса в зеркале». 9.30, 9.55, 10.20, 10.30, 11.30 Мультфильмы...

РОССИЯ

5.50 Комедия «Дача». 1973г. 7.30 «Студия Здоровье»...



Мудофаага кўмаклашувчи «ВАТАНПАРВАР» ташкilotи Тошкент шаҳар кенгаши

*барфа ҳарбийларни ҳамда юрtdошларимизни
14 январ — Ватан ҳимоячилари кунин билан
самимий қутлайди!*

*Хонадонимиздан шикоят, хопирҳамлик,
фаровонлик ва кувонч ҳаёт қабон афтидасин.*

*Юртимиз ҳаммша шик, осмонимиз
мусаффо бўлсин!*



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, мард ўғлонлар!

*Турфа олам, турфа одам. Умр қарвониди ким
кейин, ким илгари. Шодон ҳам бор, нолон ҳам.
Қарвон йўлларида бир-бирига сўяниб,
баланд-паст довларда борлигини,
кимдодир кераклигини ҳис этиб кўкси
тоғдек сарбаланд бўлгучи одамларнинг
борлигини англашнинг ўзи тириклик
саодатидир. Зеро, наинки одамзод
наслига, балки ер юзидида жами тирик
мавжудотга, у хоҳ навқирон, хоҳ кекса
бўлсин, ўттинчи оламнинг ҳар лаҳзасида
маънавий қувват зарур.*



...Чорраҳанинг бир бурчида жойлашган ҳашаматли, қўшқават бино тумандаги нуфузли ташкилотлардан бирига тегишли. Деворлари сариш ранга бўялган иморатнинг олди ва ён томонида қад ростлаган сервиқор чинор ва арчалар атрофга ўзгача кўрк бағишлайди. Куюк дараклар соҳидаги ораста, шинам майдончада хизмат машиналари қўшин-ёзин тирбанд. Идора ҳодимлари ва иш юзасидан бу ерга келиб-кетувчиларнинг кийиниши, юриш-туришидан уларнинг топармон-тугармон, ўзига тўқ кишилар эканлиги аён бўлади.

Кейинги кунларда идоранинг шу атрофда яшайдиган собиқ раҳбарларидан бири тез-тез келадиган бўлди. Касаллик туфайли пенсияга чиққан раҳбар эрталабдан бино рўпарасидаги ўриндиқда ўтирганча атрофни кузатарди. Эҳтимол у вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган шижоатли дамларини ёки мана шу иморатнинг

ўтириб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

Самимий илтифотдан кўнгли тоғдек кўтарилди. Ҳартугул бошлиқ бошлиқ-да. Салобатиданми, ҳаяжонданми вужудини аллатовур сустлик чулғайди. Бироз ўтиб ўртага ўнгайиб сукунат чўкди. Нима дейишни билмай, рўпарасида унга хийла маънодор жиймайиб турган шогирдининг юзларига умидвор термулди. Ниҳоят дилдаги андиша тилга кўчди:

— ...вич, агар бемалол бўлса, ўзимга кўнгирак қилсам дегандим. Бир-икки ҳафтадан бундан дом-даракис. Охири курс бўлди, ҳадемай тугатади, би-

раверди. Азлақандай қозғаларни кўтариб кирган ёш ҳодимга қараб тўнғилади. Гап-гапга қовушмади.

Яна бир кун эрталаб идора эшиги ёнида қўшлари истеҳзоли чимирилган ҳодимлардан бири унга қараб лаб бурди. «Ўзинг бир касал одам бўлсанг, ётмайсанми уйда дорингни ичиб, Саҳар-мардондан келиб олади. Отдан тулса ҳам эгардан тушгиси йўқ». Ёнидаги аёлга айтилган бу гаплар нишонга текканди. Ич-ичидан зил кетди. Бошини қуйи солганча ўриндиқда анча ўтирди. Ўзига бўйсунмаган оғир, пайлар-пай қадамлари истар-истамас уйига

либ улгургани йўқ. Хонанинг эшик-деразаларини очиб, бир кур шамоллатган бўлди. Шунда йулакда қарс-курс қадам товушлари эшитилди. Шитоб билан келиб остонада тўхтаган ўша ўзи ўқитган ўқувчи қиз кескир, қатъий фикрларини яширмади. «Муаллим, кабинетни ҳам тезроқ бўшатсангиз. Анча кун касалхонада ётдингиз. Ишлар ҳам ўлда-жўлда қолиб кетгандир. Ҳаммасини тезроқ жой-жойига қўйишим керак». Ҳаёт эса бир зайлда давом этарди.

Айтишларича, одамларнинг аҳилиги, бағрикенглиги, ҳурмат, меҳр-оқибат, андиша ва бир-бирига бўлган бир чимдимгина эъти-

Ким кейин, ким илгари

пойдеворидан тортиб ҳозирги муҳташам кўринишга келгунга қалар бўлган серташвиш кунларни бир-бир эслагандир. Балки бир вақтлар буш-баёв, гўр мутахассисдан серсавлат, ўқтам ҳодим даражасига етган шогирдларининг обрўсини кузатиб ич-ичидан гурурланган бўлса ажабмас.

Аввалига ҳеч ким унга эътибор бермади. Бир кун янги раҳбар хизмат машинасида тушиб шошганча идорага йўналди. Мармар зиналардан юқорилаётган маҳал ногаҳон унга кўзи тушди. Унинг юзи сезилар-сезилмас ёриши ва йўлни шу томонга бурди. Устои ёнида бир неча дақиқа

роз хавтир олдим. Шунга, илтимос...

— Бемалол, бемалол. Бизга янги шилигингиз кўп ўтган, устоз, бир марта эмас, минг марта илтимосингиз бўлса ҳам бош устига.

Шогирд устозни қўлтиқлаганча хизмат хонасига олиб кирди. Олдида телефон аппаратини қўйиб, бемалол гаплашаверинг деб уни ёлғиз қолдирди. Котибасига қайноққина чой дамлаб беришни тайинлади.

Ордан бир неча кун ўтган шу ҳол яна такрорланди. Бу гал шогирд юзига жиддийроқ тўс берди. Хизмат хонасидан чиқмай иш столидаги қозғаларини титкилаб ўти-

бощлади уни. Остонага қадам қўятганда бўғиздан «хайрият, етказганинга шукур» деган армонли нидо титраб чиқди. Ҳаёт эса маромиди давом этарди...

...Эгаллаб турган вазифасини бир вақтлар ўзи таълим берган шогирдига топширган халқ таълими бўлими ҳодимига ҳамкасблари «Ҳали пенсия ешигача анча вақт бор. Бизга керакмас» дея илтифот кўрсатишди ва енгилроқ иш тақлиф қилишди. Буйруқ, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Хизмат хонасини ўзгартирмасликка келишилди.

Янги вазифанинг биринчи кунини Ҳали ҳамма ҳодимлар ке-

боридан тириклик фароғати яра-лар экан. Яна дейдиларки, яқинларининг иддо ва таънасининг залвори ҳар қандай оғудан қудратлироқ бўларкан.

Инсон энг олий қадрият. Эртаним-кечми, ёшиқ ғайрати, навқиронлик шижоати барча тирик мавжудотни тарк этади. Табиий ҳол, боши ёстиққа етган кезларда озгина эътиборга, таскинга маҳтал бўлади одам. Улғайган сайин табиатнинг ана шундай қонуниятлари беҳтиёр ўйга толдиради кишини. Одамийлик ҳаммша бор бўлсин.

Ишқиди,
қавасмиди...

Эртага 1 сентябр. Гулнора мактабга таралдув кўраётган синглисига қараб ҳаваси келди (қишлоқ номи ҳамда исмлар ўзгартирилган).

— Сенга маза, Диёра. Қанийди қайта ёш бўлиб қолсам. Менинг ҳам мактабга боргим келаяпти, — деди маъносиланб.

— Қариб кампир бўлиб қолганлардай гапирасиз-а, она. Мактабнинг нимаси яхши? Дарслар жонимга тегади.

Диёра янги кофтасини кияркан, яна бир бор қоматини у ёқ-бу ёққа буриб ойнада ўзини томоша қилди.

— Жиниммасан. Ҳали боладек қилиқларинг. Энди катта қиз бўлиб қолдинг, — деди Гулнора синглисига.



олам орзулари саробга айлана борди. Шодмон кунларидан кўра армонли тунлари кўпайди.

Кунда-кунора камситилиб, ҳақоратлардан зада бўлган Диёра барчасини ичига ютишга мажбур эди. Болаликнинг шўх-шодон кунларини ортда қолдириб улгурмай ўзи она бўлган энди ҳаммаси яхши бўлади дея умидланди. Бироқ...

Жажжи Ихтиёрнинг дунёга келиши ҳам ёш силлага тўқис бахт ато этолмади. Руҳан эзилган, жисмон заиф, қайнона-қайнота хизматлари, эрнинг инжиқликларига тайёр бўлмаган Диёранинг ҳаётдан кўнгли совий бошлади. «Яшаб нима қиламан?», Биргина шу қалтис саволга юрагининг туб-тўқиб жавоб излади. Қорни очқаб йиғлаётган дилбандини бағрига босаркан, шўх-шодон кунларини эслади. «Қани, ваъдалар, Бахтиёр? Нега бунда мени камситмасангиз...? Кўзлариди халқаланган ёшани

ҚОН ШИҶЛАТМАН
МУҲАББАТ

га насиҳатомуз. — Утган йили сенга хат ёзган синфдошинг ким эди? — Диёранинг папқасидан онаси топиб олган «свеги мактубини» эслатди у. — Ушанда онам роса хафа қилувди-я...

— Жим, — Диёра кўрсаткич бармогини лабига тегишиб, ҳовлида кир юваётган онасига ишора қилиб кўрсатаркан, онасига яқинроқ келиб пичирлади. — Она, Бахтиёр-да. У Ҳалиям орқамдан юрибди. Кеча ховуза...

— Диёра! — дея қақриб қолди онаси.

Она-сингилнинг суҳбатига шу ерда нукта қўйилди.

Папка эмас, ҳинд актёри Шохрухоннинг сурати туширилган салофан сумка кўтариб мактабга отланган Диёрани отаси Раҳим ака тўқатди.

— Сумканг қани? Бу туришда сени мактабга қўядими?

— Э, дада. Папкам ўтган йилги, эскирган. Ҳамма дугоналарим шунақа салофан сумка олиб боради-ку. Ҳеч ким уришмайди.

Мактаб формаларини кийиб гул кўтарган, катта йўлни тўлдириб бораётган болаларга бориб қўшилган қизининг ортидан кузатиб ҳовлига қайтган ота сўлапа қўқалади. Матлуба достурхонага бир коса шир-чой келтириб қўйди.

— Диёрангизни хар замон тергаб қўйиш керак. У Гулнорага ўша-маюди. Қарасам, ойнанинг олдида нари кетмайди.

— Ха энди, қиз бола ойнага қарайди-да. Унинг синфга кўчди-ми?

— Ха, — деди зўрга Матлуба. Кўнглида Диёра анча ўзгарган, уни тергаб туриш лозимлигини ўйларкан.

Диёрани синф эшиги олдида кутиб турган Бахтиёрнинг юраги тигирчилди. Бунга сезган Диёранинг юзларига қизиллик югурди...

— Мен билан ўтир, сенга жой олиб қўйдим, — деди Бахтиёр секингина. Унинг эшитмаганга солган бўлса-да, Диёра Бахтиёр утирадиган охири партага салофани қўйди.

— Вой, биринчи партада ўтирмайсаним? — шаддоқ Шаҳодат хайрон бўлди.

— Сен ўтира қол. Ҳаммаси шу кундан бошланди. Дарслар давомиди ҳали уни, ҳали бунга баҳона қилиб қизинг кўларини ушлаб олаётган йилгича ҳар гап бутун вужудига илқилқ сезиб, аъзойи бадани жимирларди.

Уқув йили давомида Диёрани рашқ қилиб, бир неча марта синфдошлари билан жа-жаллашган Бахтиёр қизни севиб қолганига минг қарра ишонарди. Диёра ҳам бир кун Бахтиёрни кўрмаса ўзини ўлиб қола-

дигандек ҳис этар, унинг муҳаббатдан қақнаб турган кўзларини соғиниб қоларди. Мактабга ҳам фақат бир-бирини кўриш унунгича қатнаётган қиз ва йигит бугун сўнгги имтиҳонни топшириб, стадион бурчагиди даҳрхатнинг ортига ўтишди.

— Диёра... сенсиз...

— Мен... мен ҳам...

Бир-бирининг пинжига биқиниб олган севишганларга ўтаётган вақтнинг аҳамияти йўқ эди. Илк севи-нинг сирли учрашувлари таътил даврида ҳам давом этди.

Гулнора тўй-томоша қилиб узатган Раҳим ака ва Матлуба она ер-қўққа сиймайди.

— Бунисини ўқитамиз, онаси. Диёра қақсон, эгчил қиз, кўз тегмасин, илоҳим. Яхши ўқийди, — деди ота хаёл дунёсига фарқ бўлиб бир маромада ҳовлини супураётган қизига қараб.

— Қиз болага ўқисини ким қўйибди? Қизқисиз-да. Ҳунар ўргансин. Тикувчи бўлса дедим, — эътироз билдирди хотин.

Диёранинг эса қулоғига гап кирмас, хаёли Бахтиёрда эди. «Кечку-рун онам билан дадам тўйга кетса...».

Қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам наздида вақт секин ўтарди гўё. Аслида эса...

— Мактаб, ура, онажон, мактаб бошланди! — Бахтиёр қувончини яширолмай бориб онасини кўчди.

— Жуда қувонмай қўя қолсангчи. Икки-уч кун ўқийсанлар, шу билан ҳаммангни пахтага ҳайдашди, — деди Гулбаҳор она.

— Барибир яхши. Уйда зерикдим.

— Тавба, — деди мўйлови сабза уриб, овози дўриллаб қолган ўғлидаги бу ўзарасига хайрон бўлган она. «Худода шўқур, улғайиб қолди», — деди сунг ичиди.

Пахта мавсуми, яна дарслар... Бахтиёр ва Диёранинг ишқ эртаги ҳажидида хангомалар мактаб, хатто бутун Сайхонлига ёйилди.

Сартарошондаги ҳамқишлоқнинг гапи йўл бўйи Раҳим аканинг қулоғида жаранглаб турди. «Наимни мен биламан. Қизингни ўғли учун сўраб келмоқчи. Улар сенга тўқиб эмас. Ешлар бир-бирини яхши кўрармиш деб эшитдим...».

Қизи Гулноранинг қайнонаси «Диёрангизни узатсангиз бўларди...» дея истеҳзоли жилмайишидан онанинг юраги гашланди. Уйга қайтиб қизини олдига имлади. Диёра қочиб кетадигандек бир қўли билан унинг қўйлаги этагидан маҳкам ушлаб гап бошлади.

— Сен қиз нималар қилиб юрибсан? Ким ўша ақлингни ўғирлаган бетайин? Наимнинг ўғлими?

— У бетайин эмас.

— Вой-вой, ҳали кўнглим ўшанда десанг-чи? Бутун қишлоқ олдида шарманда қилдинг. Даданга нима дейман? Сени ўқитаман деб юрибди-ку. Нималар қилаётганингни биласанми?

— Мен ўқимайман...

Дарвозанинг тарақлаб ёпилишидан чўчиб тушган Матлуба эрининг вақоҳатини кўриб баттар кўрчиб кетди.

— Биласанми, ҳозир сартарошонда бунинг ҳажидида хангомани эшитиб, қоним қайнаб кетди. Онасан, қайтарган уни, йўқса... — Раҳим ака қўлидаги лўлаболшини олиб суларинг четига улоқтирди.

Улар қизини Бахтиёрга беришга қарши бўлмасда-да, ҳали уларнинг ёшлигини ўйлаб бу муҳаббат мижаросига нукта қўймоқчи бўлишди.

Худди шу каби хангома Бахтиёрларникида ҳам бир неча бор муҳокама қилинди. Бу гавларга эндигина ўн еттига кирган йигит ва қизни фикирдан қайтаролмади. Улар ўз севириларида сармаст бўлиб юраверишди.

Бутун шундай тун бўлдики, сехрли тун. Бу тонг шундай тонг бўлдики, сирли тонг. Шу тун сабаб ким рози, кимлар норози тўй ҳам бўлиб ўтди.

Аммо бу ҳажикий ишқиди!?

Сизни
кечиролмайман

Дунё ташвишларини англаб-англамаган, оилавий ҳаётга тайёр бўлмағи туриб омонатгина қурилган бахт қошонасига қадам қўйган Бахтиёр ва Диёранинг қувончи узокқа чўзилмади. Чунки улар ўйлагандек рўзгор истироҳат боғи эмас эдики, бир-бирига ихозори дил айтиб яйраб юрадиган.

Муҳаббат бирда қайсар, сўзидан қайтмайди қанча қандар бўлса, бирда маъносилан, ҳар қандай варажотини ҳам сўндирди. Аммо бунга инглаш учун эр-хотин ҳам жисмонан, ҳам маънан қомилликка эришмоғи лозим. Айнан шу кемтиклик, қолвераса, Бахтиёрнинг ичкиликка ружу қўйиши янги оилани ич-ичидан емира бошлаган эди.

Даҳанакан жанжаллар эрнинг қуч ишлатишига олиб келди. Ўғли камситишда қайнона келинчаққа меҳр кўрсата олмади. Ундан онасидек илқилқни кутган Диёранинг бир

рўмолига артди.

У хаёлан ўзи учун энг азиз кишилар билан видолашаётган эди.

Боласини эмизиб бўлиб ўрнидан кўзгалди. Ичкари уйдан бир варақ оқ қоғоз ва ручка олиб чиқди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Қайнонаси пахта теримига кетган. Уни хафа қилиб, дилини жароҳатлаган Бахтиёр ҳам кўринмайди. Ширингина ухлаб ётган ўғлига қараб Диёранинг кўзлари ёшланди.

«Муштарим, онажоним, мени кечиринг. Отажон, онажоним, нима деб ёзашни ҳам билмайман... Ўзларингизни қийнаманлар, мен яшашни...», — ҳам селидек қўлолиб келган кўз ёши сатрларни ҳўлқилди. «...Бахтиёр, сизни бугун борлигим деганди, аммо... мени ҳўрладингиз, муҳаббатини топталди. Сизни кечиролмайман. Алvido».

Хатни рўмолига ўради-ю, пишиллаб ухлаётган ўғличасини ўпиб қўйди. Икки-уч дарвоза наридаги болалиги кечган ота ҳовлисига отланди. Хаёлан онаизори билан гагллашган бўлди. «Ўғлимнинг теллопа юрганини кўрмай туриб ўғлим келмапти, онажон. Она бўлиб қадрингизни англадим-у, аммо кеч... Сизни гаплар дунёсига ташлаб кетаётган қизингизни кечиринг, отажон...».

Кўз ўнгида андуҳ адо қилган отаси, фарзанд доғи юрганини чилпаран қилган онаизори гавдаланди. Ҳовлида ҳеч зог кўринмайди. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Диёра мактубини супада қолдириб, уйига шошди.

Молхона шифтига осилган арқонга тикилиб турди. Энди у хатти-ҳаракатини бошқаролмас, ёлгон дунё билан ҳайралишига аҳд қилиб бўлган эди...

Утган баҳор ял-ял ёним кимларнингдир ҳавасини келтирган муҳаббат бугун Диёранинг жасади устида ёқасини чок этиб фарёд чекарди.

Сайхонли қишлоғида юз берган бу фожиада кимни айблайдиз? Муҳаббат деб атагани шунчаки ҳавас бўлган Бахтиёрнинг Диёраникими? Ёхуд ота-оналардами гуноҳ? Дунёнинг гапларини англамай она меҳрини интиқ қутаётган бешикадиги тўнганга не айб?

Жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман судининг ҳукми билан Бахтиёр 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

ФАСОДНИНГ
КАСОФАТИ

Аёл, она... Бу сўзларни эшитганда ҳар биримизнинг кўнглимизга илқилқ юғурди. Чунки инсон учун ҳаётда онасидан ҳам азизроқ киши бўлмас керак. Она-сингилларимиз, турмуш ўртоғимиз ва қизларимиз эса бизнинг доимий гап-хўримишларимиз.

Аммо аёллар орасида бу юксак номга доғ тушираётганларнинг учраётгани ачинарли ҳол. Ўзбекистон туманида яшовчи 24 ёшли Мадина Фаньева ҳам шундайлардан экан.

2006 йил 8 март. Тушлик маҳали Мадинанинг акаси Равшанбек келиб, онаси ва сингилларини байрам билан табриқлади ва уйига меҳмондорчиликка таклиф қилди. У кетган, Саломат она кичик қизи Шарифа билан маслаҳатлашиб, униқига борадиган бўлишди. Она-бола йулга чиқиб, Мадинани ҳам олиб кетмоқчи бўлишди.

— Юракол, байрамни акангизникида нишонлаймиз. Баҳонада янган билан жиянларингни ҳам кўриб келсан, — деди Саломат она Мадинага.

— Майли, бораверинглар, менинг зарур ишларим бор. Кечроқ борсам борарман, — боришни истамаса-да, онасининг кўнглига таскин берди.

Равшанбек ва хотини уларни олиқ қарши олишди. Кечга яқин Малоҳатхон она унади. Аммо байрам ошини татиш уларга насиб қилмади. Чунки оиланинг кенжаси Едгорбек ҳовлиқиб келиб, онаси Мадина котиллик содир этгани ҳақидаги хабарни етказганида ҳаммалари эсанқираб қолишди.

Ғап шундаки, Мадина туманининг Шўрсув шаҳарчасидаги уйда рўйхатда турса-да, аслида Яйлан шаҳридаги қонадонда яшарди. Жиноят иши материалларидан маълум бўлишча, унинг Шўрсувдаги уйи енгилтабиат аёлларнинг «оромгоҳ»ига айланган.

Уша куну тўшдан кейин Мадина Шўрсувга борди. Онаси ва синглиси акасиникига кетганидан сўнг келишуга мувофиқ уйга севган йигити Тохир ташриф буюрди. Бу пайтда Едгорбек кўчага чиқиб кетганди. Уйда бинойидек суҳбатлашиб ўтирган ошик-маъшуқлар орадан икки-уч соат ўтиб, нимагадир жанжаллашиб қолишди. Шундан кейин Мадина кўчага чиқиб кетди. Тохир уйда ёлғиз қолди.

Кўп ўтмай эшик тақиллаб, уйга фуқаро Жалил Соипов кириб келди. Негаки у бу уй «тўнги қалақлар» макони эканлигини яхши биларди. У Тохирни ҳам одатдаги меҳмонлардан бири деб ўйлади:

— Нега ёлғиз ўтирибсиз, бирорта офатикон йўқми?

Тохир унга лом-ним демай кўчага чиқди. Бу пайт нарироқдаги ялангликда қўшни аёл-қизлар байрам муносабати билан тўпиллаб, хурсандчилик қилишаркан, Мадина ҳам уларнинг сафида эди. Тохир уни имлаб қақирди:

— Уйингда бегона бир йигит ўтирибди. Мендан офатиконларни сўради. Бунақа меҳмонлар тез-тез келиб туришса керак-а?

Табийики, уйдаги муҳитни яхши билган аёл бундан ажабланмади. Шундай бўлса-да, кесатикдан асабийлашди. Сўнг шоншо уйига кирди.

Жалил ҳам унга мақсадини билдирди. Мадина унинг гапидан баттар туюқиб кетди. У Тохирнинг олдида ўзини оқлаш учун Жалилни ўлдирмоқчи бўлиб, ошхонадан пичоқ олиб чиқди-ю, унинг юрагига орқа томондан санчди. У бу ишни шундай тезлик билан амалга оширдикки, бир зум аввал уйга кириб, воқеага ғувоҳ бўлган Едгорбек ҳам уни тўхташтига улгурмай қолди. Кутулмаган зарбдан Жалил қалқиб кетди ва бир қадам юриб, полга юзтабан йиқилди.

Албатта, мазкур котиллик бир қатор омиллар тўғрисида содир этилган. Бу борада энг аввало Мадинанинг хоталарини тилга олиш лозим. Чунки у уйини айширатиб ошенига айлантириб, ўз номига иснод тамғасини босиб қолган. Шундай шармандалиқдан уялмаган аёлнинг орият талашиб, котилликка қўл ургангани қандай баҳолаш мумкин?

Қарс икки қўлдан чиқди дейдилар. Шу маънода Ж.Соиповнинг ҳаракатларини ҳам оқлаб бўлмайди. Чунки у шахвоний нафсининг амри билан бу ерга келган эди...

М.Фаньева ва Ж.Соиповнинг аянчли қисмати бизга сабақ бўлиши лозим.

Шокиржон СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон тумани прокурори
Исломжон НУРАЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг раиси



Президентнинг режаси

Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакат энергетика ва телекоммуникация тизимларини маҳаллийлаштириш борасидаги режани маълум қилди. Шу мақсадга эришишда у мамлакат конститутциясига ўзгаришлар киритилишини таъкидлади. Яқин кунларда Чавес мамлакат парламентида президент ваколатларини кенгайтирувчи қонун лойиҳасини тақдим этиш фикри борлигини ҳам яширмаган. «AP» агентлигининг хабарига қараганда, парламент депутатларининг кўпчилигини Чавеснинг рафдорлари ташкил этади, демаски қонун қабул қилинишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Кунин кеча У.Чавес учинчи бор президентлик лавозимини расман бажаришга киришди. У ўтган йилнинг 3 декабрида бўлиб ўтган президентлик сайловида рақибларидан анча кўп овоз йиғиб ғалабага эришган эди.

Туркменистонда олтига расман рўйхатга олинган президентликка номзодларнинг тўрт нафари шу ҳафтадан бошлаб вилоят марказларида сайловчилар билан учрашувни бошлаб юборишди. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабарига қараганда сайловолди кампаниясида етакчи номзодлардан бири, мамлакат бош вазири, шу билан бирга вақтинчалик



УЧРАШУВЛАР БОШЛАНДИ

президент вазифасини бажараётган Курбонкул Бердимухамедов ўтган ҳафтадаёқ бу жараёни бошлаб берган эди. Унинг сайловолди дастурида бир қатор соҳаларда ислохотлар ўтказиш, жумладан, таълим соҳаси, пенсия таъминоти ва маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ режалар кўзга ташланди. Аввал хабар қилинганидек, мuddатидан олдин президентлик сайловини шу йилнинг 11 февралда ўтказиш режалаштирилган. 14 февралда эса парламентнинг навбатдаги йиғинида янги сайланган президент қасамёд қилади.

Сув остида тўқнашув

Араб денгизида АҚШнинг атом сувоци кемаси Японияга қарашли юк ташувчи танкер билан тўқнашиб кетди деб хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги. Япония ҳукумати вакилларининг айтишича, биринчи бўлиб ҳалокат тўғрисида америкаликлар хабар тарқатишган. Пентагон маъмуриятининг маълумотида айтилишича, мазкур тўқнашув Ормуз бўғозидан рўй берган. Дастлабки маълумотларга кўра фалокат оқибатида қурбон бўлганлар тўғрисида аниқ маълумот берилмаган.



«Дружба» нефт қувири орқали Россиядан Словакияга нефт етказиб берилиши шу ҳафта бошидан тўхтатиб қўйилди. Словакия иқтисодий таълим вакили Брано Зваранинг айтишича, «Дружба» нефт қувири душанба кунини маҳаллий вақт билан соат 20.00 да украин-словак чегарасида ёпилган. Россия ҳамда Беларусь ўртасида нефт экспорти учун божларнинг оширилиши юзасидан келиб чиққан можаро аниқ қувурнинг ёпилиши сабаб бўлди.

Нефт учун бож

Шунингдек, бундай ҳолат Чехия билан ҳам рўй берди. Нефт қувурининг ёпилиши боис бу ерда ҳам энергетик танқислик юзга келган. Айтилган тўғрисида Чехия ҳукумати мамлакатдаги словак компаниялари томонидан ташкил этилган стратегик захираларни 52-55 тонна ҳажмда очишга қарор қилди. Мазкур ҳажмдаги нефт маҳсулотлари қувурдаги ички босимни 5-7 кун бир маромда ушлаб туриши мумкин. Агарда ушбу вақт давомида нефт маҳсулотларининг Россиядан келтирилиши йўлга қўйилмаса, Чехиядаги барча энергетик захиралар очилди. Чехия саноат вазирилик вакилининг айтишича, ушбу захиралар яна 90 кунга етиши мумкин, холос. Ҳозир ушбу ҳолат Словакия ҳамда Чехия

ҳукуматларини қаттиқ таъшишга солмоқда. Улар тез орада Россия ҳамда Беларусь ўртасида юзага келган можарога барҳам берилишига умид билдиришмоқда. Эслатиб ўтамиз, душанба кунини Россия нефтини шимоллий йўналиш бўйича етказиб берадиган нефт қувири ҳам ёпилган. Мазкур йўналишда русларнинг нефти Полша ва Германияга етказиларди. Россия ҳукумати 2007 йилнинг 1 январидан Беларусь заводларига қайта ишлашга ва кейинчалик экспорт қилишга жўнатиладиган нефтдан эндиликда бож олиниши тўғрисида қарор чиқарган. Бундай қарордан қоникмаган Беларусь 2007 йил 3 январдан ўз ҳудуди орқали Россиядан Европага етказиладиган нефт маҳсулотлари учун қўшимча бож жорий қилди деб хабар қилади «AFP».

АМНИСТИЯ АМАЛДА

Чеченистон ички ишлар вазириликнинг маълумотига кўра, Россиянинг жанубида амалга оширилган ақсилтеррор операцияларини ўтказиш давомида жиноят содир этган шахсларга нисбатан жорий этилган амнистия боис ярим йил ичида республикада 402 нафар жангари ҳукумат органларига таслим бўлган деб хабар қилади «РИА Новости» ахборот агентлиги. Эслатиб ўтамиз, жангариларнинг мамлакат ҳукумати билан алоқага киришини 2006 йил 15 июл кунини Россия ФХХ раҳбари Николай Патрушев тақдир этган эди. Террорчиларга нисбатан амнистия акти шу йилнинг 15 январидан ажувланиши керак. Чеченистон ИИВ матбуот котиби М.Девневининг сўзларига кўра, ҳозиргача қилмишдан пуншаймон бўлиб келганларнинг аксарияти 1999 йилда жангарилар тўдасига қўшилганларни ташкил этади. Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида жиний тўдаларга аъзо бўлганларнинг кечирим сураб қилган муружаатлари сони кескин ортган.

Қўпоровчиликка барҳам берилади

Қўпоровчиликка барҳам берилди. Ингушетияда террористик хуржнинг олди олинди. Душанба кунини кечкурун Назранда газ қувири остига жойлаштирилган ва махсус мослама ёрдамида ҳаракатга келтирилмайдиган Ф-1 маркали граната топилиди деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакилларининг гапига қараганда, мазкур граната шаҳардаги 9-ўрта мактаб ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги пости яқинида жойлаштирилган экан. Айтилган дамода воқеа жойида сапёрлар, кинологлардан иборат тезкор гуруҳ ишламоқда. Ҳозир мазкур қўпоровчилик учун гумон қилиниб ушланганлар тўғрисида ахборот йўқ.



Қирувчига қарши ҳарбий

Исроил ҳарбий полицияси Исроил ҳарбий ҳаво кучлари хизматчисини F-16 маркали қирувчи самолётни портлатмоқчи бўлган деган гумон билан ҳибсга олди деб хабар қилади «Haaretz» газетаси. Ҳарбийларнинг айтишича, ўтган йилнинг ноябр ойларида қирувчи самолётнинг учинишда текширувчи вақтида самолёт механиги машина двигатели ёнига ўрнатилган ёнувчи мосламани қоникмаган. Ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказилган. Аниқланган маълумотларга кўра, ҳибсга олинган ҳарбий хизматчи самолётни портлатишга тайёрданганликда айбланмоқда, бироқ ҳозиргача у бу ишга нима сабабдан қилганлиги номаълум. Мамлакат шимолдаги ҳарбий базада хизматни ўтаётган аскар эса барча айбларни рад этмоқда. Нашрининг маълум қилишича, ўтган йил ичида учинчи марта худди шундай айблов билан навабдаги ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилмоқда. Ундан олдинги икки ҳарбийнинг ишлари судга оширилган.



Конунларга ўзгартиришлар

Украина президенти Виктор Ющенко «Давлат қўриқчилари тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун

Кўшимча ва ўзгартиришлар боис, эндиликда мазкур қўриқлаш тизимининг штат бирлиги 2993 киши деб белгиланди, шулардан 2912 таси ҳарбийларни ташкил этади. Украина президенти матбуот маркази вакилининг айтишича, давлат қўриқчилари бошқармасининг айнан шу таркибдаги сони давлат ишидаги юқори мартабали мансабдорлар ҳамда давлат аҳамиятига молик объектларни қўриқлашга етади деб хабар қилади «Pro UA» ахборот агентлиги. Шунингдек, душанба кунини Украина раҳбари мамлакат парламенти томонидан 2006 йил 1 декабрда қабул қилинган «Давлат хариди тўғрисида»ги ҳамда «Олий таълим тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини имзолади. «Олий таълим тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришларга асосан эндиликда олий ўқув юртлири раҳбарлари ҳамда факультет деканларининг лавозимларга тайинланишидаги ёшга доир чеклов бекор қилинган. Аввалги қонунга мувофиқ, уларнинг ушбу лавозимларга тайинланишида ёшлари олтинчи беш ва олтинчидан ошмаслиги керак эди.

Муҳолифатчилар исёни

Бангладешда муҳолифатчилар ҳамда полиция ўртасида рўй берган тўқнашувда 12 киши жароҳатланган, 20 нафар шахс эса қамоққа олинган. Ташкил қилувчи, ушбу тўқнашув умумий транспорт қамали оқибатида юзага келган деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги. Муҳолифатчилар томонидан ташкил этилган намойиш мамлакатнинг автомобил ҳамда бошқа транспорт йўллари тўсиб қўйиб, уч кун давом этди. Намойишнинг биринчи кунини 70 киши жароҳатланди. Агентлиkning хабарига кўра, мамлакатда автобус ҳамда юк машиналарининг ҳаракати тўхтатилган, денгиз ва дарё портлари ёпилган, қўллаб компаниялар ушбу вақт давомида ўз ваколатхоналари фаолиятини тўхтатишган. Шундай бўлса-да, мамлакат пойтахти Даккада такси ҳамда рикшалар хизматидан фойдаланиш мумкин бўлди. Муҳолифатчилар тарафдорлари шунингдек стратегик аҳамиятга эга жойларни эгаллаб олинган ва шаҳардан чикувчи транспорт йўллари тўсиб қўйишган. Мазкур намойишлар мамлакатнинг собиқ бош вазири Шайх Ҳасин бошчилигидаги исёний партиялар иттифоқи томонидан уюштирилган. Ушбу альянснинг фикрига кўра, мамлакат ҳукумати 22 январда ўтказилажа сайловда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда демократик тамойилларини таъминлаб беролмайди. Шу даврнинг ўзида муҳолифатчилар томонидан кескин танқид қилинган Бангладеш президенти Иаждуддин Аҳмад бу фикрларнинг барчаси тўхмат эканлигини эътироф этмоқда.



Йўқотишлар ортмоқда

Уч нафар америкалик сапёр йўл ёқасига қўйилган бомбанинг портлаши натижасида ҳалок бўлган, кўпоровчилик Бағдодда амалга оширилган деб хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги. Ҳалок бўлганлар АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг муҳандис-қурувчилар баталонини таркибидagi сапёрлар бўлган. Портлаш вақтида яна бир ҳарбий жароҳат олгани боис касалхонага жўнатирилган. Агентлиkning хабарига қараганда, Ироқда ҳарбий операциялар бошлангандан буён АҚШ аскарларидан 3003 киши қурбон бўлган, уч мингичи ҳарбий 2006 йилнинг 28 декабрда ҳалок бўлган эди. «Associated Press» манбаларида таъкидланишича эса, АҚШ қўшинларининг Ироқдаги йўқотиши ҳозиргача 3011 кишига етган.

Учувчининг айби

Франция шарқида вертолётнинг қулаб тушиши уч кишининг умрига зомин бўлди, яна бир киши оғир жароҳат олган деб хабар қилади «AFP». «Alouette 2» маркали энгил вертолётда тўрт киши бўлган, у қишлоқ ресторани яқинида ҳалокатга учраган. Ажабланирлиси, ҳалок бўлганларнинг барчаси экипаж аъзолари эмас, балки ерда юрган аҳоли бўлган. Дастлабки таҳминларга кўра, вертолёт ҳалокати учувчининг бошқарувни эпловчанлиги боис юзага келган.



Тўйхат ўрнида

Эътибор ва эътироф



чини тўлиқ адо этиб, фарзандлари орасида хурмат ва эътиборга сазовор бўлганлар ҳам борки, улар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Уч ўғилни камолга етказиб, масъулиятли соҳада кўп йиллар хизмат қилган ана шундай аёллардан бири Тигай Анна Александровна бугунги кунда 80 ёшни қарши олмакда.

Аёл киши айрим ҳолатларда давлат ишига ҳам, оиласига ҳам бирдек муносабатда бўлмайди. Кўп ҳолларда бир томонга кўпроқ эътибор бериб, бошқа томонни унутиб қўйишади. Аммо аёлларимиз орасида ўз соҳаси ва оиласидаги бурчларини, фарзандлари ва ҳамкасблари орасида хурмат ва эътиборга сазовор бўлганлар ҳам борки, улар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Уч ўғилни камолга етказиб, масъулиятли соҳада кўп йиллар хизмат қилган ана шундай аёллардан бири Тигай Анна Александровна бугунги кунда 80 ёшни қарши олмакда.

У киши прокуратура органларида кўп йиллар хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишда ўз меҳнатини аямади.

Туман, шаҳар ва вилоят прокурорларининг ёрдамчиси ва бўлим прокурори лавозимларида самарали меҳнат қилган Анна опа талабчанлиги, билимдонлиги ва бурчига содиқлиги билан шогирдларига ўрнак бўлди. Камтаринлиги билан ҳамкасблари орасида хурмат қозониб, ҳалол меҳнат прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди.

Бугунги кунда табаррук ёшни қарши олаётган Анна Александровнани прокуратура жамоаси номидан чин дилдан қутлаб, мустақкам соғлиқ, узок умр, фарзандларининг роҳатини кўриб юришини тилаб қоламиз.

Гули АБДУРАХОБОВА

Турфа олам, турфа одамлар

Мушукка кредит карта

Австралиянинг Bank of Queensland банки расмий вакиллари мушук номига кредит карта берилганлигини тан олишди.

Ўз мушугини халдан ташқари яхши кўрувчи хонимлардан бири Мессия исмли мушуги номига кредит карточка очдирган. Хонимнинг бундан мақсади банкда миқозларнинг истаги қай даражада хурмат қилинишини текшириб кўриш бўлган. Банк ходимлари аёлнинг хоҳишига мувофиқ мушукка 4200 долларга кредит карточка беришаётганида хонимнинг ўзи ҳам ҳайрон қолган. Шунчақиси ҳам бўлар экан-да.



Реппер-элчи



Британиянинг The Guardian газетасининг хабар беришича, реп йўналишида кўйловчи машҳур кўшиқчи Вайклеф Жин Гаитининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси этиб тайинланди. Гаити ҳукумати расмийларнинг фикрича, бу қадам бир неча йиллар фуқаролик уруши хавфи остида турган ушбу мамлакатнинг ташқаридаги нуфузини кўтаришга хизмат қилиши лозим. Кўшиқчига инвестициялар ва туристларни жалб қилишда Гаитига ўз ҳиссасини қўшиб топширилган. Гаитининг ташқи ишлар вазири Ренальд Клерисме «Вайклефга ўхшаш таниқли шахслар кўп эмаслигидан афсусдман» деб айтиб ўтган.

Асли африкалик бўлган В.Жин тўққиз ёшида ота-онаси билан АКШнинг Бруклин штатида кўчиб ўтган. Улғайиб машҳур кўшиқчи бўлиб етишган бу йигит ўзининг асл ватани Гаити эканлигини кўп бор эътироф этади. Ҳозирги пайтда унинг иккинчи албому сотувга чиқарилган бўлиб, қисқа вақтда 17 миллион нусхада тарқатилган.

Табрикномалар ичига кокаин

Фуқароларнинг ҳушёрлиги туфайли Испания полицияси Атлантика орқали мамлакатга кириб келаётган кокаиннинг янги каналини очишга муваффақ бўлди.

Памплон шаҳрида яшовчи икки фуқаро полиция маҳкамасига янги йил табрикномасини кўтариб келган. Маълум бўлишича, очилганида мусика чаладиган ушбу рангли табрикномаларнинг микросхемалари ўрнига аслида кокаин солинган пакетча жойлаштирилган экан. Лекин жўнатувчилар табрикномаларга манзилни нотўғри ёзишганлиги учун у ўз эгаларига етиб бормаган. Ҳозирги пайтда Испания ҳукумати Бразилияга кокаинли-табрикномани жўнатган шахслар ҳақида маълумот сўраб расман муурожаат қилишган.



Олти эгизак



Янги йил оқшомидан бир hafta ўтган, Ванкувер шаҳри туғруқхонасида шов-шувли воқеа содир бўлди: бирданига олти эгизак дунёга келди. Тўрт ўғил ва икки қиздан иборат бу эгизакларнинг ҳар бири 800 граммдан вазнга эга. Улар кам оғирликка эга бўлишларига қарамай тўққиз ривожланишда давом этмокда. Бу гўдаклар ҳомиладорликнинг 6,5 ойлигида дунё юзини кўришган. Уларнинг биттаси табиий йўл билан, қолганлари операция орқали кутқариб қолинган. Олимларнинг ҳисобига қараганда олти нафар эгизаклар 4 млрд. 712 млн. ҳолатда бир марта туғилиши мумкин экан.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бўлим бошлигининг ўринбосари Адилбек Молдабековга падари бузруквори **ИЛҲЭС** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Тоҳир Ражабовга отаси **ҲАСАНБОЙ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма катта прокурори Иброҳим Акрамовга отаси **УМАР** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокурорининг ўринбосари Алавитдин Низовга падари бузруквори **КҮЧҚОР** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика Бош прокуратураси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази жамоаси прокуратура фахрийси **МУСО НИЁЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўқинг, қизиқ

Бу воқеа 1993 йилда АКШда содир бўлган. Номаълум шахслар 5-6 ёшлардаги қизчани ота-онасидан пул ундириш мақсадида ўғирлаб кетишади. Аммо қизча қамаб қўйилган хонадан қочиб муваффақ бўлади ва шу атрофдаги жойга беркинб олади. Жиноятчиларнинг изига тушган полиция тезда ўғирлардан бирини, кўп ўтмай унинг шерикларини қўлга олади. Сўнг қизча ҳам қўқарилиб, ота-онасига топ-

ДНК тузилишида мавжуд бўлиб, эмбрион ривожланиши бошлагандаёқ унинг бармоқ учидида тери тузилмалари ҳам таркиб топа бошлайди. Фақат эгизакларнигина бир-бириникига мос тузилиши эса фан аллақачон тасдиқлаган. Уларникидан бошқа ҳеч кимнинг бармоқ излари бир-бирига мос келмайди. Шу сабабли кишиларнинг бармоқ излари жиноятларни фош этишда кўл келиши маълум. Бармоқ учла-

нинг бармоқ излари эса қоршима қисқа занжирли ёғ кислоталаридан иборат эканлиги аниқланган. Шу сабабдан катта ёшдагиларнинг бармоқ излари бир неча кун ёки ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида сақланиб қолади. Болаларнинг бармоқ излари эса 24 соат ичида йўқ бўлиб кетади. Шу боис болалар билан алоқадор бўлган жиноятларда текширув ишларини имкон қадар тез

Бармоқ изи қандай аниқланади?



ширилади.

Суд ишлари олиб борилаётган пайтда айбланувчилар адвокатлари билан маслаҳатлашган ҳолда йиғилган далиллардан камчилик топишга уринадилар. Яъни, қўлга киритилган машина ичидан қизчанинг бармоқ излари топилмаганини айтишади. Қизалоқнинг полицияга берган кўрсатмасида эса у олиб қочиладиганида машинанинг кўп жойларига қўли текканини билдирган эди. Терговчиларнинг машинадан бармоқ изларини топиш ҳарақатлари бесамар кетади.

Келинг, нима сабабдан ушбу жиноят иши боши берк кўчага кириб қолганига тўхталишдан олдин бармоқ изларини аниқлаш жараёнига эътиборни қаратсак. Бармоқ изи ҳар бир шахснинг

ридаги чиқиқлар бир-бирига келишган ёки параллел, тухумсимон ёхуд доира шаклида бўлиши мумкин.

Шу ўринда қўл теккан ашёда қандай қилиб бармоқ излари қолиши кўпчиликини қизиқтирас келар. Гал шундаки, вужудимизни ўраб турган тери безлари тана аъзоларинимизда турли ҳажмда бўлади. Бармоғимиз исталган нарсага текканида тери безларининг тешикчаларидан чиқадиган суюқ тер натижасида ўша жойда из қолади.

Энди мақолаимиз бошидаги ҳолатга қайтсак. Ҳўш, унда нега машинадан қизнинг бармоқ излари топилмади? Бармоқ учидида терининг 99 фоизи сувдан ташкил топган. Қолган бир қисми эса ёғ, ёғ кислотаси, аммоний ва тузлардан иборат. Текширувлар шуни кўрсатмокдаки, катта ёшдагилар бармоқ изларининг бир фоизини ҳосил этувчи қоримчалар бир-бирига боғланидиган узун углерод занжири ва оғир металллардан иборат экан. Болалар-

амалга ошириш талаб этилади. Соҳа мутахассислари бармоқ изларини ҳар хил усуллар ёрдамида аниқлашади. Энг эски усуллардан бири пудра сепиш ёрдамида амалга оширилади. Бу усулнинг янада омаллашган шакли флеросен (ялтирайдиган) пудралардан фойдаланишидир.

Иккинчи бир усул сифатида йод ни айтиш мумкин. Йод ситилганда буғланади ва ёлғар таркибидидаги углерод билан реакцияга киришади. Натижада бармоқ излари жигар ранг тус олади.

Шу ўринда мақолаимиз бошидаги воқеа нима билан тугаганига қизиқаётган бўлсангиз керак? Гарчи қизнинг бармоқ излари топилмаган бўлса-да, машина ичида ўтказилган кейинги текширувлар ўғирларнинг сирини фош қилиб қўйди. Чунки қизча типирчиласи натижасида қўз билан кўринмайдиган майда иплар унинг кийимидан ўриндиқнинг бир қанча жойига тушиб қолган экан.

Адолат МУСТАФОЕВА тайёрлади

Huquq

yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 053. 20 784 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DO'STOYROVA
Musahhib: A.MUSTAFOYEVA
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Qaroz manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8